

ИККИ ТУРКИЙ МАВЛУДНИНГ БАДИЙ ТАЛҚИНИ

Зарина НИЗОМЖОНОВА

магистрант

Қарши давлат университети

Қарши, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада “Василату-н-нажот” ҳамда “Мавлуди Шариф” асарлари қиёсий таҳлилга тортилган бўлиб, унда икки мавлуд асарининг мазмун-моҳияти, композицион тузилиши, бадий тасвир воситалари ҳамда диний-маърифий ғоялари ўзаро солиштирилган. Шунингдек, асарлардаги Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) сиймосининг бадий талқини, тил ва услуб хусусиятлари ҳам матншунослик нуқтаи назаридан ўрганилган. Мақола туркий мавлуднавислик анъанасининг шаклланиши ва ривожланишида ушбу асарларнинг ўрни ҳамда аҳамиятини ёритишга хизмат қилади.

Таянч сўзлар: мавлуднавислик, қиёсий таҳлил, Василату-н-нажот, Мавлуди Шариф, матншунослик, бадий талқин, диний-адабий мерос, туркий адабиёт, бадий услуб.

ХУДОЖЕСТВЕННАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ДВУХ ТЮРКСКИХ МАВЛИДОВ

Зарина НИЗОМЖОНОВА

магистрант

Каршинский государственный университет

Қарши, Ўзбекистон

Аннотация

В данной статье проводится сравнительный анализ произведений Василату-н-нажот и Мавлуди Шариф. В исследовании сопоставляются содержание, композиционная структура, художественные средства и религиозно-просветительские идеи двух мавлидов. Также с точки зрения текстологии анализируются художественная интерпретация образа пророка Мухаммада (с.а.в.), языковые и стилевые особенности произведений. Статья освещает значение и роль данных произведений в формировании и развитии традиции тюркской мавлидной литературы.

Ключевые слова: мавлидная литература, сравнительный анализ, Василату-н-нажот, Мавлуди Шариф, текстология, художественная интерпретация, религиозно-литературное наследие, тюркская литература, художественный стиль.

Туркий мавлуднавислик анъанасида Хилватий ва Сулаймон Чалабий ижоди алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, ҳар икки муаллиф ҳам Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) сиймосини юксак бадий-эстетик даражада тасвирлашни ўз олдида мақсад қилиб қўйган. Бироқ умумий мақсадга эришишда танланган

бадий шакл, тасвир усули ва жанр таркиби жиҳатидан бу икки асар ўртасида сезиларли фарқлар мавжуд. Шу билан бирга, уларни бирлаштирувчи умумий жиҳатлар ҳам мавжуд бўлиб, бу ҳол мавлуд жанрининг ички қонуниятлари билан изоҳланади.

Асарларнинг умумий жиҳатлари. Ҳар икки асарда ҳам Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)нинг туғилиши марказий воқеа сифатида тасвирланади. Туғилиш ҳодисаси илоҳий нур ва ғайриодатий воқеалар билан уйғун ҳолда берилиб, бу орқали Пайғамбар(с.а.в.)нинг дунёга келиши оддий тарихий ҳодиса эмас, балки бутун мавжудот учун раҳмат эканлиги таъкидланади. Хилватий ҳам, Сулаймон Чалабий ҳам велодат кечасида юз берган мўъжизаларни муболағали, рамзий ва поэтик ифодалар билан тасвирлайди. Иккала асарда ҳам “Марҳабо” фасли алоҳида бадий аҳамиятга эга. Бу фасл Пайғамбарни оламнинг интиқлик билан кутиб олиши, мавжудотнинг унга хитоб қилиши, нур ва шодлик рамзлари орқали берилади. “Марҳабо” фасли оҳангдорлиги, такрорий хитоблари ва эмоционал кучи билан асарнинг энг таъсирчан қисмларидан бири ҳисобланади. Тадқиқотлар натижасида “Марҳабо” фаслининг Сулаймон Чалабий асарининг аслий матнига кейинчалик қўшилгани аниқланган бўлса-да, унинг халқ орасида чуқур сингиб кетгани сабабли, асарнинг ажралмас қисми сифатида қабул қилинади. Хилватий асарида ҳам мазкур фасл мавлуднинг руҳий чўққиси сифатида хизмат қилади. Бундан ташқари, ҳар икки асарда ҳам тасаввуфий руҳ кучли сезилади. Нур, ишқ, денгиз, гавҳар каби рамзий образлар орқали Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) илоҳий ҳақиқатнинг тимсоли сифатида талқин қилинади. Бу жиҳатдан икки асар бир-бирига яқин бўлиб, уларнинг умумий манбаи сифатида тасаввуфий дунёқараш намоён бўлади.

Сулаймон Чалабий “Мавлуди”нинг аслий матнини илмий мезонлар асосида тиклаш борасида бир қатор тадқиқотчилар самарали ишлар олиб борганлар. Хусусан, Аҳмет Аймутлу, Несла Пеколсай ва Аҳмет Атеш томонидан *тайёрланган* нашрлар мавлуд матншунослиги тарихида муҳим босқич ҳисобланади. Ушбу тадқиқотларнинг биринчиси ва учинчиси алоҳида

китоб ҳолида чоп этилган бўлиб, улар муаллифларнинг катта саъй-ҳаракатлари маҳсули эканлиги билан ажралиб туради. Шунга қарамай, мазкур нашрларда мавлуднинг тўлиқ ва мукаммал матнини яратишга эришилган деб айтиш қийин. Аввало, нусхалараро фарқларни танқидий солиштириш жараёнида айрим хатоликларга йўл қўйилгани кузатилади. Баъзи байтларнинг матнга киритилиши ёки чиқариб ташланишида етарли даражада асосли қарорлар қабул қилинмаган. Бундан ташқари, ушбу нашрларда “Мавлуд” асарининг ички тузилиши, яъни бўлим ва фаслларининг аниқ чегаралари катъий белгилаб берилмаган. Айрим ҳолларда ҳар бир сарлавҳа мустақил бўлим сифатида қабул қилиниб, рақамланган бўлиб, бу ҳолат асарнинг композицион яхлитлигига путур етказди. Бундан ташқари, матнларни нашрга тайёрлашда Эски Анадолу туркчасининг фонетик ва лексик хусусиятларига ҳам ҳар доим тўлиқ амал қилинмаган. Натижада айрим сўзлар нотўғри талаффуз асосида қайд этилган ёки мантиқий мазмунни бузадиган шаклда ўқилган. Масалан, “Гафлет уйкусуна талуп уйъмади” мисрасидаги “талуп” сўзи “таълиб олмади” тарзида талқин қилинган бўлса-да, бу ўқиш асл маънога мос келмайди. Худди шунингдек, “дўймеди” (яъни “чидамади, таҳаммул қилмади”) феъли айрим нашрларда “дуймади”, “туймади” ёки “дутмади” шаклида берилиб, байт мазмунини кескин ўзгартириб юборган. Бошқа мисолларда ҳам шу каби хатолар учрайди: “иген” (“жуда, ниҳоятда”) сўзи “икен” тарзида ёзилган; “билүнүз” феъли “билгүнүз” шаклида ўқилган; “дади” (“таъми”) сўзи эса “диди” тарзида нотўғри талқин этилган. Шунингдек, чақириқ юкламаси бўлган “ий” нинг айрим нашрларда “эй” ёки “ї” шаклларида қайд этилиши ҳам вазн ва оҳанг нуқтаи назаридан ноаниқликлар келтириб чиқарган. Ҳолбуки, ушбу бирликнинг вазнга боғлиқ ҳолда “ий” ва “и” каби икки шакли мавжуд. Бундай хатоларнинг сони оз эмаслиги мазкур нашрларнинг танқидий жиҳатдан қайта кўриб чиқилишини зарур этади.

Шу сабабли мавлуд матнининг янги, илмий асосланган нашрини тайёрлаш эҳтиёжи юзага келган. Аввалги нашрлардан фойдаланиш, қўшимча

қўлёзмаларни қайта кўздан кечириш ва узоқ йиллик изланишлар натижасида Фарук К. Тимурташ томонидан “Бин Темел Эсер” туркуми талаблари ва мезонларига мос келадиган янги матн тайёрланган. Мазкур нашрда Мавлуднинг энг ишончли нусхасини яратишга интилиш асосий мақсад қилиб қўйилган. Ушбу нашрда аввало мавлуднинг аслий матни берилган, сўнгра ундан фарқ қилувчи иккинчи матн ҳам келтирилган. “Велодат” бўлимигача икки матн деярли бир хил бўлгани сабабли, иккинчи матн бугунги кунда кенг тарқалган мухтасар шаклда берилган; “Мерож” бўлимида ҳам худди шу усул қўлланилган. Кейинги бўлимлар эса иккинчи матннинг энг қадимги қўлёзма нусхасига таянган ҳолда қўчирилган. Шу тариқа мавлуднинг қадимги ва аслий шакли билан бугунги кунда яшаб келаётган янги шакли ўртасида матний ва тарихий боғлиқлик ўрнатилган. Муаллиф ушбу нашрни тўла маънода танқидий-илмий нашр эмас, балки илмга таянган нашр сифатида баҳолайди. Нусхалараро фарқлар ва танқидий изоҳларни бериш зарур деб топилмаган, аммо асарда учрайдиган оят, ҳадис ва мураккаб бирикмалар саҳифа ости изоҳларида тушунтирилган, луғавий изоҳлар эса китоб охирида келтирилган. Натижада, мазкур нашр орқали ҳозирча имкон даражасида мавлуднинг энг саҳиҳ матни тақдим этилган.

Сулаймон Чалабий асарининг ўзига хос жиҳатлари. Сулаймон Чалабийнинг “Василату-н-нажот” асари эса янада тизимли ва хронологик қурилишга эга. Асарда Пайғамбар (с.а.в.) ҳаётининг асосий босқичлари – велодат, мўъжизалар, меърож, ҳижрат, ахлоқий фазилатлар ва вафоти – алоҳида бўлимлар тарзида баён қилинади. Бу жиҳатдан Чалабий асари биографик характерга кўпроқ яқинлашади. Асардаги “Қасида-и Мелиҳа” муҳим поэтик бўлимлардан бири бўлиб, унда Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)нинг улуғлиги юксак қасида анъаналари асосида мадҳ этилади. Бу қисм Хилватий асарида учрамайди ва Чалабий мавлудининг муҳим фарқли жиҳатларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, Сулаймон Чалабий асарида ҳижрат ва вафот воқеалари батафсил ва мустақил тарзда тасвирланади. Ҳижрат саҳнаси диний жамоанинг шаклланиши, исломнинг

мустаҳкамланиши билан боғлиқ ҳолда берилса, вафот бўлими чуқур ҳиссий-таъсирчанлик билан ёзилган бўлиб, умматнинг изтироби ва соғинчи кучли поэтик оҳангда ифодаланади.

Хилватийнинг “Мавлуди Шариф” асари бадий-композицион жиҳатдан пухта ўйланган, изчил ва мақсадга йўналтирилган тузилишга эга. Асар бошидан охиригача назмда битилган бўлиб, унинг бошланиш қисмида шеърӣ усулда келтирилган уч ҳикоят ҳамда икки ғазал умумӣ мазмунга хизмат қилувчи муҳим бадий унсурлар сифатида намоён бўлади. Ушбу қисмлар асарнинг асосӣ мавзуси бўлган мавлуд ўқиш, Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)га саловат айтиш ва бу амалнинг маънавий аҳамиятини очиб беришга хизмат қилади.

Хилватий асарида тасаввуфӣ лексика ва рамзлардан кенг фойдаланади. “Ошиқ”, “шайдо”, “ишқ”, “нур” каби тушунчалар орқали Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)га бўлган муҳаббат фақат динӣ эътиқод эмас, балки руҳӣ камолот воситаси сифатида талқин этилади. Бу ҳолат асарни фақат маросим учун ёзилган матн даражасидан чиқариб, уни маънавий-эстетик қийматга эга адабий асар сифатида баҳолаш имконини беради. Шунингдек, асарда бадий тасвир билан дидактик мақсад уйғунлашган. Шоир ўқувчини саловат айтишга, Пайғамбар (с.а.в.)ни севишга ва суннатга амал қилишга даъват этар экан, бу фикрларни очик насиҳат тарзида эмас, балки поэтик образлар орқали таъсирли шаклда етказади. Бу жиҳат “Мавлуди Шариф”нинг халқ орасида кенг тарқалишига ва узоқ вақт давомида маросимларда ўқиб келинишига сабаб бўлган омиллардан бири ҳисобланади.

Хилватий асарининг ўзига хос жиҳатлари. Хилватий мавлудининг энг муҳим фарқли жиҳати – жанр ранг-баранглигидир. Асарда маснавий билан бир қаторда ғазаллар ва ҳикоятлар ҳам кенг ўрин олган. Ғазаллар асосан Пайғамбар(с.а.в.)га бўлган ишқ, соғинч ва ихлосни ифодалашга хизмат қилса, ҳикоятлар эса ибратли воқеалар орқали ўқувчини ахлоқӣ комилликка чорлайди. Масалан, куш ва қарчиғай ҳикояси каби лавҳалар рамзӣ маънода раҳм-шафқат, адолат ва илоҳӣ муҳаббат ғояларини ёритади. Хилватий

хикоятлар орқали Пайғамбар(с.а.в.) сиймосини раҳмат ва шафқат тимсоли сифатида кўрсатади. Бу хикоятлар кўпроқ дидактик характерга эга бўлиб, ўқувчининг қалбига таъсир қилишни мақсад қилади ва тингловчини саловат айтишга ҳамда эзгуликка чорлайди. Шунингдек, ғазалларнинг киритилиши асарда лирикани кучайтириб, уни нафақат диний, балки бадий-эстетик жиҳатдан ҳам бойитади. Хилватий асарида айрим мавзулар, жумладан, хижрат ва вафот масалалари тўлиқ ва мустақил бўлим сифатида берилмаган, балки умумий тасвир ичида қисқароқ тарзда ёритилган. Бу ҳол муаллифнинг эътиборини асосан Пайғамбар(с.а.в.) шахсининг маънавий улуғворлиги ва раҳмат сифатларига қаратганини кўрсатади.

Сулаймон Чалабий ва Хилватий томонидан яратилган мавлуд асарлари туркий мавлуднавислик анъанасининг икки муҳим намунасини ташкил этиб, улар мазмун, поэтика ва тасвир усули жиҳатидан бир-бирига яқин бўлиши билан бирга, муаллифлик ёндашуви ва бадий қурилиш нуқтаи назаридан ўзига хос фарқларга ҳам эга. Ҳар икки асар ҳам Ҳазрат Пайғамбар(с.а.в.) сиймосини улуғлаш, унга муҳаббат ва эътиқодни мустаҳкамлаш, саловат айтишнинг фазилатларини тарғиб этиш ғоясига хизмат қилади. Шу жиҳатдан улар умумий диний-маърифий мақсад билан бирлашади.

Сулаймон Чалабийнинг “Василату-н-нажот” асари мазмуний жиҳатдан янада тизимли ва композицион жиҳатдан пухта қурилган бўлиб, унда Пайғамбар (с.а.в.) ҳаётининг деярли барча асосий босқичлари – Нури Муҳаммадийнинг яратилиши, велодат, мўъжизалар, меърож, хижрат, ахлоқий фазилатлар ва вафот воқеалари изчил баён этилади. Асарда Қасида-и Мелиҳа, хижрат ва вафот бўлимларининг мавжудлиги Чалабийнинг сийратни тўлақонли ёритишга интилганини кўрсатади. Бунда ҳадис ва оятларга таянган ҳолда бадий баён берилиши асарнинг эътиқодий асосини янада мустаҳкамлайди.

Хилватий мавлудида эса бадий тасвирнинг эмоционал ва лирикага йўғрилган шакли устуворлик қилади. Асарда хикоятлар ва ғазаллар муҳим ўрин эгаллаб, улар орқали Пайғамбар(с.а.в.) сиймоси кўпроқ тасаввуфий ва

рухий ҳолатлар орқали ёритилади. Хилватий ҳикоятлар воситасида ўқувчини ахлоқий хулосага етаклайди, ғазаллар орқали эса Пайғамбар(с.а.в.) муҳаббатини бадиий-эстетик даражада ифодалайди. Бу ҳолат асарнинг дидактик ва лирико-эпик хусусиятини кучайтиради.

Қиёсий таҳлил шуни кўрсатадики, Чалабий асари кўпроқ умумхалқ миқёсида ўқилишга, маросимий анъанага мослашган бўлса, Хилватий мавлуди адабий-бадиий жиҳатдан теранроқ, тасаввуфий руҳга яқинроқ йўсинда яратилган. Шунга қарамай, ҳар икки асарда ҳам “Марҳабо” фаслининг мавжудлиги муҳим умумий жиҳат сифатида намоён бўлади. Бу фасл Пайғамбаримиз (с.а.в.) туғилишини тантанали, жўшқин ва рамзий тарзда тасвирлашга хизмат қилиб, ўқувчи ва тингловчи қалбида рухий кўтаринкилик уйғотади. “Марҳабо” фасли орқали мавлуд матни нафақат бадиий, балки маросимий аҳамият касб этади.

Сулаймон Чалабий ва Хилватий мавлудлари туркий диний адабиёт тараққиётида бир-бирини тўлдирувчи икки муҳим йўналишни ифодалайди. Чалабий асари тизимлилик ва умумлашма хусусияти билан, Хилватий мавлуди эса лиризм, ҳикоявийлик ва тасаввуфий бадиийлик билан ажралиб туради. Уларнинг қиёсий таҳлили мавлуд жанрининг имкониятлари, бадиий шакллари ва маънавий-эстетик аҳамиятини чуқурроқ англашга хизмат қилади ҳамда туркий мавлуднавислик анъанасининг бой ва ранг-баранг эканини яққол намоён этади. Шу билан бирга, ҳар иккала асар ҳам Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)ни улуғлаш, саловат айтишга ундаш ва ўқувчи қалбида муҳаббат уйғотиш вазифасини муваффақият билан бажарган.

Туркий мавлудларнинг бадиий хусусиятларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, бу асарларда диний мазмун бадиий ифода воситалари орқали эстетик даражага кўтарилган. Ташбех, истиора, муболаға, рамзий образлар мавлуд поэтикасининг муҳим унсурларидан бири сифатида намоён бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, “Василату-н-нажот” ҳамда “Мавлуди Шариф” туркий мавлуднавислик анъанасининг йирик намуналаридан бири ҳисобланади. Ҳар икки асарда Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) сиймоси

юксак бадий махурат ва чукур мухаббат билан тасвирланган. Асарлар ўртасидаги ўхшаш ва фарқли жихатлар уларнинг мазмуни, бадий услуби ҳамда диний-маърифий қарашларида яққол намоён бўлади. Қиёсий таҳлил натижасида ушбу мавлудларнинг туркий адабиёт ва матншунослик тарихида муҳим ўрин тутиши, шунингдек, мавлуд жанрининг ривожига сезиларли таъсир кўрсатгани аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мулла Йўлдош Хилватий. Мавлуди Шариф. – Тошкент: Академнашр, 2024.
2. Мавлид китоби. – Тошкент: Бок Медиа Нашр, 2024.
3. Сўлейман Сўлеби. Мевлид (Весилату-н-нажот). – Истанбул, 1990. Сайфа: 172
4. Аҳмед Аймутлу, Сўлейман Сўлеби ва Мевлид-и Шўриф. – Истанбул 1958, Сайфа: 275.
5. Билал Кемикли. Мевлид Кўллияти Зсилтли. Диянет Ишлери Башканлиги. Истанбул - 2016. Сайфа: 1236.
6. Аҳмет Ўзел. Мевлид: Тарихи ва дини хўкмў. – Диван, 2002.
7. Хўбибуллаев А. Адабий манбашунослик ва матншунослик. – Тошкент, 2000. – 143 б.
8. Boltaboyeva O., Goyibboyeva R. Khilvati litera heritage and its history of study. International Scientific Journal. 2020. Issue 12. Volume 92. Page 130-134.
9. Мурат Сўмалеттин Несипоғлу. Мевлид исрўсинда Истанбул таври. Йўксек лисанс тези. (2501181812) Истанбул - 2021. С-210.
10. Abdullayev I, Yuldashev A. Devon. – Tashkent: Fan, 2001.